

Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНИКАЛАРГА ФИРМАВИЙ ТЕХНИК СЕРВИС КЎРСАТИШ


1. Фирмавий техник сервис тизими ва унинг моделлари
2. Ишлаб чиқариш-техник сервиснинг ривожланиш босқичлари
3. Техник сервис тизимларининг ташкилий тузилмалари

Адабиётлар:

1. Тошболтаев М, Рустамов Р, Кобилов М. Кишлоқ хўжалигида ҳудудий фирмавий техник сервис системаси. «Фан нашриёти» 2007 й. 146 б.
2. Тошболтаев М. Қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий ТСК тизимининг математик статистик модели // Монография. «Фан нашриёти» 2011 й. 146 б.

Ўзбекистан Республикасида замонавий техникаларга фирмавий техник сервис (ФТС) курсатиш тадбирларида машина операторлари, туман ва мукобил МТПлари ва Сервис марказларининг кучма ва кучмас устахоналари ҳамда диспетчерлари, яъни бир нечта ижрочилар катнашадилар. Бу ижрочиларнинг ҳар бири тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб қуйилган аниқ вазифаларни бажаради. Тажрибалар кўрсатмоқдаки, бир ижрочи томонидан бажарилган ишнинг сифати иккинчи, иккинчисиники учинчи ижрочининг иш сифатига тўғридан-тўғри таъсир этади ва улар узаро бирлашиб, пировардида машинанинг техник ҳолатини белгилайди. Масалан, оператор машинадан нотўғри фойдаланса, у тез бузилади. Бузилган машина Сервис марказлари механиклари томонидан ёки таъмирлаш устахоналарида сифатсиз тузатилса, у кейин узоқ ишламайди ва қайтадан бузилади.

Мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг илмий ишлари, техникаларни кўп йиллик синаш ва ишлатиш натижалари кўрсатмоқдаки, мураккаб техника воситаларини бутун фойдаланиш муддатида ишга яроқли ва соз ҳолда бўлишини таъминлаш - бу ҳам назарий, ҳам амалий жихатлардан бир хил ечимга эга бўлмайдиган мураккаб муаммодир. Шу сабабли бундай муаммонинг ечимини излашнинг методолик асоси систематик тадқиқотдир, яъни машинасозлик фирмаси (Ф), ФТС ижрочиси (И) ва ФТС буюртмачиси (Б)ни бир-биридан ажратмай, яхлит “Фирма- ижрочи-буюртмачи” (ФИБ) тизимининг звенолари деб қараш ва ўрганишдир.



Ишлаб чиқариш-техник сервиснинг ривожланиши куйидаги босқичлар билан тавсифланади.

1. 1928-1958 йилларда туман (район) машина-трактор станциялари (МТС) ташкил этилган ва фаолият кўрсатган.

2. 1958-1961 йиллар давомида МТСлар ўрнида таъмирлаш-техник станциялар (ТТС) фаолият кўрсатган.
3. 1961 йилда асосий вазифалари колхоз ва совхозларга тегишли техника воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлайдиган “Ўзқишхўжтехника” бирлашмаси ташкил этилган.
4. 1995 йилдан “Қишхўжтехника” туман бўлимлари негизида туман МТПлари ташкил этила бошланди. Ҳозирги кунда Республикамизнинг барча туманларида очиқ акциядорлик жамиятлари шаклидаги МТПлар фаолият кўрсатмоқда.
5. 2003 йилдан бошлаб тугатилган барча ширкат хўжалиklarининг марказий таъмирлаш устаноналари негизида муқобил МТПлар ташкил этилди.
6. Туман МТПлари тизимини ташкил этиш ва ривожлантириш тадбирлари Вазирлар Маҳкамасининг 95-сонли (24.03.95), 432-сонли (06.12.96), 152-сонли (19.03.97) ва 106-сонли (10.03.98) қарорлари асосида ўтказилди.
7. Давлат унитар корхонаси шаклидаги ихтисослаштирилган “Ўзмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ташкил этиш тўғрисидаги Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 21 декабрдаги 266-сонли қарори қабул қилинди;
8. Давлат Унитар Корхона (ДУК) ларни ташкил ва фаолиятини йўлга қўйиш чора-тадбирлари” тўғрисидаги Ўзбекистон республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.05.2008 йилги № 92-сонли қарори қабул қилинди.

Маълумки, техник сервис - бу қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини техникалар билан таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш, бутун фойдаланиш муддатларида соз ҳолатда ушлаб туриш бўйича кўрсатиладиган хизматлар комплекси ҳисобланади. Ўзбекистонда қишлоқ ва сув хўжалигига техник сервис (ТС) кўрсатиш тизими маълум даражада шаклланган. ТС истеъмолчилари ва ижрочилари бу тизимнинг асосий элементлари ҳисобланади. Улар республика, вилоят ва туман, яъни уч даражали тизим доирасида фаолият кўрсатмоқда (1.2-шакл).

ТС истеъмолчилари: Республика даражасида - Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (механизация бошқармаси), Республика ФХ уюшмаси (техника таъминоти бўлими); вилоят даражасида - вилоят ҚСХ бошқармаси, ФХУ вилоят вакиллиги; туман даражасида - туман ҚСХ бўлими, ФХУ туман вакиллиги.

ТСнинг ишлаб чиқариш бўйича истеъмолчилари — фермер ва деҳқон хўжаликлари, Давлат унитар корхоналари, ТС ижрочилари: Республика даражасида - қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари, “Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг”, “Ўзмелиомашлизинг” ва “Пахтализинг” компаниялари, “Ўзағромашсервис” ассоциацияси, “Ўзмелиомашлизингсервис шўъба корхонаси ва “ЎзКейссервис” қўшма

корхонаси; вилоят даражасида - машинасозлик корхоналарининг вилоят техник марказлари, “Ўзқишлоқхўжаликماشлизинг”, “Ўзмелиомашлизинг” ва “Пахтализинг” компанияларининг вилоят филиаллари, “Ўзагромашсервис” ассоциацияси, “Ўзмелиомашлизингсервис шўъба корхонаси, “УзКейссервис” кўшма корхонасининг вилоят сервис марказлари; вилоят МТПлар бирлашмаси ва таъмирлаш корхоналари, туман даражасида - туман техник марказлари, туман МТП ОАЖ, сервис марказининг тумандаги кучма устахоналари, тумандаги муқобил МТПлар.

ТС ижрочилари томонидан истеъмолчиларга куйидаги хизматлар кўрсатилиши зарур: махсулот етиштирувчиларга машина, қурилма, эхтиёт қисмлар, таъмирлаш, ёнилғи ва мойлаш материаллари каби моддий- техника воситаларини етказиб бериш.